

"Вақф" фонди оқсон билан касалланган беморларга кўмак берди



16:32 / 12.03.2019 1540

Аввалги хабарларда “Вақф” хайрия жамоат фонди томонидан турли хасталиклар билан оғриган, ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш учун “Малҳам” акцияси жорий этилгани ҳақида айтиб ўтилган эди.

Мазкур акция доирасида 2019 йилнинг 7 март куни Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида оқ қон (лейкоз) касали билан оғриган беморлар ҳолидан хабар олиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган 39 нафар беморга 1 000 000 (бир миллион) сўмдан жами 39 000 000 (ўттиз тўққиз миллион) сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди. Бу ҳақда "Вақф" хайрия жамоат фонди Матбуот хизмати хабар берди.

Хабарда айтилишича, эҳтимол, мазкур моддий ёрдам хаста ватандошларимизнинг тўлиқ тузалишига ёрдам бермас, аммо бу уларнинг кўзларида яна умид учқунларининг пайдо бўлиши ва қалбларида ҳаётга бўлган ишонч туйғуларининг жўш уришига туртки беради.

“Вақф” хайрия жамоат фонди ушбу тадбирлар билан чегараланиб қолмай, барча саховатпеша ҳамюртларимизни бемор ватандошларимизга кўмак кўрсатишда елкадош бўлишларига чорлаб қолади.





Islom.uz портали таҳририяти